

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 84 (6826)
1997 йил 29 октябрь чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Битирувчи синф булганимиз учунми, мактабимиздаги тантанали кечалар, турли тадбирлар асосан зимма-зимга тушади. Доирани қойиллатиб чаладиган синфдошимиз Камолиддин Абдуллахужаев мусиқа сахналарига жавобгар. Мен эса доимо бошловчи булиб кечаларни файзли утказишга уз ҳиссамни қушаётганимдан хурсандман. Мана, куни кеча мактабда тил байрами булиб утди. Бошланғич синфлардан 3-«А» синф укучилари байрамни очик тарбиявий соат тарзи-

ҚЎРҒОНИМ — ОНА ТИЛИМ

да утказишди. Биз, юқори синф укучилари эса уни мактаб сахнасида театрлаштирилган ҳолда ташкилладик. Томоша матнини устозимиз Матлуба Комилова ёзиб бердилар. Байрам дарсдан сунг утказилган булса ҳам зал болалар билан лик тулди. Кечага рус, қозок, турк, инглиз, немис дусларимиз ҳам ташриф буюришди. Меҳмонларимиз

уз тилларида мустақил Ўзбекистонимиз халқини тил байрами билан қутлашди. «Меҳмон»лар табригини синфдошларимиз Назокат Мунинова, Моҳира Одилова, Хуршида Камолова, Гулчехра Чутбоевалар қойилмақом қилиб адо этишди.

Кеча сунгидаги журналистлар, актёрлар ва дикторлар нутқида учраб туради-

ган баъзи нуқсонларни қурсатувчи «Сотти Соттиевич билан интервью» деган ҳазил лавҳамиз ҳаммага манзур булди.

Байрамимизга укучилар тайёрлаган куй ва қушиқлар файз киритди.

Қонунда қуриқланган қурғоним она тилим, Мангулик йулларида сарбоним она тилим!

Камола МИРЖАЛОЛОВА,
Тошкентдаги 268-мактаб укучиси

Омон МУХТОР

ХУМ ИЧИДАГИ ОДАМ

Бу воқеани айтаман-ку, ишонмайсиз-да:

Ақлимни таниб-танимаган пайтим. Тахминан турт ёшлардаман. Укам Ҳабибжон икки ёшларда.

Ошхонамизда ерга буғзи-ча кумилган каттакон хум бор. Ёзда сувга тулдирилади. Сув зарур булмаганида, бум-буш ҳам тураверади.

Бир куни уйда катталар йуқ, ховлида укам билан уйнаётиб, негадир ошхонага кирдим. Хумга кузим тушди-ю, қотиб қолдим. Биров хум ичида, бошини хумдан чиқариб утирарди.

Уруш энди тугаган, Шаҳарда угри, қочок, ҳар хил шубҳали одам учрайди! Лекин мен бунга кейинроқ тушунаман. Ушанда эса ажабландим, хос-лос... Бояги одам бошини тортиди. Мен бироз яқинлашиб, хумнинг ичига қарагим келди. Шу паллада, назаримда, укам мени чақирди! Ва шу палла, мени қандайдир қурқув босди!

Болаликка сафар

Орқамга қайтиб, Ҳабибжонни қулидан тутдим-да, кучага етакладим. Биз тор кучадан катта йулга қараб кета бошладик. Катта йулга етганимизда, қаёқдандир халлослаб дадам келиб қолди.

Хум ичидаги одам эсимдан чиққан эди. Уйда отам, онам, укучи, ишчи оналарим — ҳамма тушлангач, анчадан сунг, у лоп этиб куз олдимда жонланди. Бу кунги қурган-кечирганларимни катталарга тушунтирган булдим.

Кеч кира бошлаган эди. Лампа-чироқни ёқиб, ҳамма ошхонага епирилди. Бирма-бир хум ичига қарашди.

Хум ичидаги одам йуқолган эди!

Катталар менга, шунчаки кузинга қуригандир, деб қуяқолишди...

Мана, орадан узок йиллар утди.

Баъзан бу воқеани эслаб, мен укам билан уша куни нега тор кучадан катта йулга қараб кетганимиз тугрисида қурпоқ уйлайман. Бунга менинг қурққанам сабабмиди? ! Балки, шундайдир. Балки, бошқача. Биз уша куни илк бора торгина ховлига сизмагандирмиз? !

Буюк бир шоир: «Менга жаҳон сизга, мен жаҳонга сизмасман!» — деган экан. Кенгликларга интилиш, кенгликларни кумсаш — инсонга, айниқса, ёзувчига хос. Жаҳонга сизмаслик туйғуси булмаса, асар ёзиш қийин.

Сизни хум ичидаги одам булишдан Худо асрасин!

Омон Мухторнинг «Кули етти, оёғи олти» номли эртаги билан газетамизнинг навбатдаги сонига танишасиз.

Мустақиллик шарофати билан юргимиз чарм туп усталари бу йил илк бор жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида қатнашиш бахтига муяссар булдилар. Албатта, туп — юмалоқ деганларидай, халқаро майдонда ҳали катта тажрибага эга булмаган юртдошларимизга биринчи уринишда Франция тупроғида келаси йили утадиган жаҳон чемпионатида

иштирок этиш на-сиб этмади. Бирок, Осие қитъасининг энг кучли жамоалари билан булган беллашувларда футболчиларимиз тобланиб, озми-кўпми халқаро мусобақалар тажрибасига эга булишди. Айниқса, утган шанба куни «Пахтакор» марказий уйингоҳида Қозғистон терма жамоаси билан булган саралаш учрашувлари мамлакатимиз футбол ишқибозларини беҳал хурсанд қилди.

Бу гал ҳам ҳар доимгидай «Пахтакор» стадиони байрамона тус олди. Айниқса, миллий мусиқа асбобларимиз — карнай ва сурнай садоларидан руҳланган етакчи чарм туп усталаримиз

беллашув бошиданок хужумга зур беришди. Шунга айтиш керакки, ушбу уйин илк бор республикамиз терма жамоаси футболчилари бразилиялик бош мураббий Виго Доселла

КАРНАЙ - СУРНАЙ МАДАДИМИ, Ё...



рахнамолигида майдонга тушди. Тухтовсиз хужумлар тез орада уз самарасини берди. Учрашувнинг йигирманчи дақиқасида энг сермаҳсул уйинчимиз Игорь Шк-

фақ булди. Игорь дарвозабон билан яккама-якка чиққанида барча ишқибозлар унинг учинчи гол киритишини кутишганди, бирок бу гал омад кулиб боқмади. Би-

ринчи булим тугашига оз қолганида унинг аниқ туп ошириб бериши натижасида Андрей Федоров рақиблар дарвозасини учинчи бор ишғол қилди. Иккинчи булимда жамоамиз диспетчери Миржалол Қосимовнинг аниқ зарбаси билан ҳисоб 4:0 га етди.

Ушбу йирик ҳисоб уйин охиригача узгармади.

Иккинчи ноябрда — сафарда — Бирлашган Араб Амирликлари жамоаси билан утказиладиган сунги саралаш беллашувидан сунг футболчиларимиз келаси йили Таиландда буладиган Осие уйинларига тайёргарликни бошлаб юборишди. Уйлаймизки, хатоларидан тегишли хулоса чиқарган футболчиларимиз янги мураббий етакчилигида бу

гал узларининг Осие уйинлари голиби деган номларини сақлаб қолиш учун бор кучгайратларини сарфлайдилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Искандар РАҲМОН

МАШРАБ АМАКИМ, МИРШАБ АМАКИМ!

Оқ ялтироқ камари
Елка оша белида.
Узун ола таёғи
Енбошида, кулида.

Оқ йул тилар ҳаммага,
Ҳаракатни кузатар.
Қоидани бузса ким,
Хуштак чалар, тузатар.

НАҚОРАТ:
Булсин омон бу жасур
Инсон — Машраб
амаким!
Элимиз тинчлигига,
Посбон миршаб амаким!

Қишин-езин, куну тун
У измида хушёрдир.
Юрт тинчлиги йулида
Доим хушёр, тайёрдир!

Катта булсам албатта,
Мен ҳам посбон
буламан!
Уз элимга муносиб,
Жасур углон буламан!

НАҚОРАТ:
Булсин омон бу жасур
Инсон — Машраб
амаким!
Элимиз тинчлигига,
Посбон, миршаб
амаким!

ҚУТЛОВ



60 ЁШИНГИЗ БИЛАН!

Шу кунларда тахририятимизга жуда кўп мактублар келмоқда. Уларнинг кўпчилигида ўз газетамиз ҳақида фикрлар баён қилинган. Мана, улар:

«Мен она тили ва адабиёти фанларидан дарс берман. Ҳар дарсда ўқувчила-

Беминнат кўмакчимиз

рим «Тонг юлдузи» саҳифаларида ўқиган топишмоқ, бир-биридан қизиқ жажжи ҳикоячаларни биргаллашиб уртоқлашадилар. Айни кунларда бериб борилаётган «Буш утирма» саҳифасида болалар ҳукмига ҳавола этилаётган турли хил шартлар ўқувчиларимизни янада изланишга жалб қилаётир. Мен бугун беминнат кўмакчимиз «Тонг юлдузи»га миннатдорчилигимни етказиш билан бирга бизнинг 9-«Д» синф ўқувчилари ўз газеталарига ёппасига обуна бўлганликларини билдириш мақсадида қўлимга қалам олдим...»

**Бухоро вилояти
Ғиждувон туманидаги
16-мактаб ўқувчиси
Замира ТОЛИБОВА**

«Ҳурматли «Тонг юлдузи», биз сенинг ҳар бир сонинг келишини орзиқиб кутамиз. Авваллари ижодкор тенгдошларимиз шеър ва ҳикояларидан тез-тез бериб борардинг. «Зирапча» саҳифангни ҳам эътибор билан ўқирдик. Ҳозир ҳам ҳар бир мақолаларингни ўқисак, дилимиз яйрайди. Лекин биз газетанда

«ТАНИШТИРУВ»

рукни бўлишини жуда ҳам хоҳлаймиз...»

**Наманган вилояти
Чортоқ тумани Алихон
қишлоғидаги 18-мактаб
ўқувчилари Баҳриддин
АБДУРАҲМОНОВ ва
Муножат
МУТАВАЛЛИЕВАлар**

Кўпчилик қизларимиз касб ҳақида гап кетганда ўқитувчи, чевар ёки булмаса шифокорликни танлашади. Суратда машина рулини меҳр билан бошқариб турган дугонангиз Шоҳида эса «Автомобилчи буламан», деб дил жавоб беради.


Шоҳида Тулаганова Тошкентдаги 312-мактабнинг 9-синф ўқувчиси. У А. Икромов туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт марказининг фаол иштирокчиси. Шоҳида автомобилни севади. Техника— жону дили. Шаҳар миқёсида утган автомобилни бошқариш ва унга техник хизмат курсатиш буйича мусобақа ғолиби. Ёш бўлишига қарамай машинани тажрибали ҳайдовчилардек бошқаради. Нияти автомобиль йуллари олийгоҳига кириб ўқиш. Ниятинг йулдошинг булсин, Шоҳида!



Эгамберди Сатторов мактабга чиққанида математикадан қушиш, айиришларни осон ечарди, кўпайтириш жадвалини эса ёддан биларди. Буларни у мактабга чиқмасдан аввал урганиб олган эди. Шунинг учун у синфда ҳисобдан бир оз қийналаётган уртоқларига ёрдам ҳам бериб турибди.

**СУРАТДА: сирдарёлик тенгдошингиз Эгамберди Сатторов синфдоши Фозила Бакирова билан
Х. ЗУЛФИҚОРОВ олган сурат.**

Кабутар қанотидаги мактублар




«ДИЛИМ ОҒРИДИ»

«Синфимизда ҳамма қизлар бир-бири билан қалин уртоқ, яқин дугона бўлиб юришади. Ҳар гал муаллимларимиз бизга аҳил булинлар, деб ургатишади. Лекин шундай бўлишига қарамасдан, менинг энг яқин дугонам Саодат (исмини узгарти-

риб ёздим) бир кун менга жуда ҳам ёмон гап гапирди. Шундан сўнг ўқитувчимиз муҳокама қилишларига қарамасдан, у ҳали ҳануз ҳеч нима бўлмагандек юрибди. Мен уни ҳар гал курсам дилим оғрийди. Менга ёрдам бер, «Тонг юлдузи».

**Бухоро вилояти
Ғиждувон туманидаги 3-
мактаб ўқувчиси
Озодахон ХОЛОВА**

ЙЎЛ ТАНИ, ЙЎЛГА ЧИҚСАНГ ДЎСТ ТАНИ



Биз Гулноза, Диловар, Дилноза билан Нодира бир бувининг набираларимиз. Дадаларимиз — ака-укалар.

Кўнғироқ

ма уртоқларимиз ҳам шу кунларда хазонларни су-

ОЗОННИНГ КУШАНДАСИ БЎЛМАСИН ХАЗОН

Бувижонимизнинг исмлари Дилоромхон. Уларни бутун маҳалла «Дилоромхон чевар» деб ҳурмат қилади. Бувимиз бизга жуда кўп нарсаларни ургатадилар. Овқат пиширишдан кирни қандай чайишгача, супургини қандай ушлашдан нинани қандай санчишгача, катталарга салом беришдан укамизни қандай қилиб овутишгача — ҳаммасини эринмай ургатадилар. Биз, айниқса, бувимлардек машинада гул тикишни ҳавас қиламиз. Ҳозир матони гардишга тортиш, чизилган гул нусхасига сув тикиш, нақшлар учун ип танлашни билиб олдик. Бувим айтишларича, буларнинг ҳаммаси ҳаётда кўп керак буларкан. Ҳаммасидан ҳам ширин овқат пишириш билан уй-жойни озода тутиш қиз боланинг бахтини очармиш.

Авваллари уйларимизни, ҳовлиларни, куча дарвозалар олдини кунда бир маҳал супурардик. Мана, бир ойчадан бери у ерларни кунда икки мартадан тозалаяпмиз. Нега десангиз, куз келиб, даракларнинг тукилган барглари ҳамма ёқни тез-тез ивирситиб юборапти.

«Кузда қулидан супурги тушмаган фақат сиз эмасиз» дейсизми? Тугри, ҳам-

пуриб, ҳамма ёқни ораста қилишга ҳаракат қилишяпти. Аммо... Кўпчилик эшитмаганми ёки уларнинг бувижонлари ургатишни унутишганми — ҳар қалай, баъзилар хазон супуришни билишмас экан. Мана, биз тукилган япроқларни қандай қилиб йиғиштираяпмиз, эшитинг:

Аввал тут, терак, урик, олма даракларининг тукилган япроқларини супургининг учуда туплаб, уларни емхонага олиб кириб қуямиз. Нега десангиз, уларни қишда молқуйларимиз ёйди. Тол, чинор, шафтоли кабиларнинг барглари эса аччиқ. Уларни ҳайвонлар емайди. Шунинг учун бу хазонларни бирор ерни кавлаб, уша жойга кумиб қуямиз. Улар қишда чириб, тупроққа ўғит булади.

Баъзи уртоқларимиз бизнинг бу ишимиздан кулишади. «Сизларга нима зарил, қайта-қайта супуриб?! Ҳаммасини бир ерга туплаб, битта гугурт чақсаларинг кифоя. Бари эрталабгача ёниб, бир ҳокандоз кул булади», — дейишади.

— Йук, бу нотугри иш, — деймиз уларга. — Ахир ёқилган хазон тутуни одамларнинг саломатлигига зарар-ку! Бу тутун ҳатто Еримиз атмосферасини ураб турган қобик — озон қатламини ҳам уйиб қуяди-ку! Худо асрасин! Аммо шундай бўлиб қолса, Ернинг томи тешилиб, ҳаёт издан чиқади, деб айтганлар бувимлар. Билмасанглари билиб олинглари!


**Дилноза МУСАЖОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 243-
мактаб ўқувчиси**



Сураткаш Даврон АҲМАД

1. Йул билмасанг, йулчига боқ.
2. Йул одами йулга яхши, Уй одами уйга яхши.
3. Йул сурамай, йулга тушма.
4. Йул— юрганга қисқарар.
5. Яхши йулдош йулга бошлар, Ёмон йулдош йулда ташлар.
6. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат.
7. Ҳунар билган оч қолмас,
8. Йул таниган кеч қолмас.

Махлура РАҲИМОВА




Азиз болалар! Сиз утган галги суҳбатимизда телевидение, унинг илк ихтирочилари кимлар эканлигиндан хабардор бўлдингиз-а? Бугун сиз билан телевидение-михз тарихига янада чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қиламиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда 1956 йил телевидение илк бор иш бошлаган экан, бу соҳадаги қалдирғочлар кимлар эди, деган савол туғилиши табиий. Ҳар бир ишнинг бошланмаси қийин кечганидек, у пайтларда ҳам телевидение курсатувларини эфирга чиқариш жараёни анча мураккаб эди. Бунинг устига, янги соҳа учун мутахассислар топиш муаммо эди.

1956 йилнинг январь ойида Телемарказ директори этиб Марзия Абдуллаева деган аёл тайинланади. (Марзия опа 1939 йили политехника олийгоҳининг электр тармоқлари муҳандиси мутахассислигини эгаллаган биринчи ўзбек аёл эдилар). Уша пайтдан бошлаб Марзия Назруллаевна уз даврининг жуда мураккаб бўлган телевизион дастгоҳларида ишлаш оладиган мутахассисларни топиб, ишга таклиф қила бошлаганлар.

У пайтларда радиостан-

ция билан телестудия алоҳида-алоҳида бўлган. Телестудияга Мирсолиқ Мираъзамов директорлик қилган. У киши янги соҳа — телевидение ютуқлари ҳақида ҳам тез-тез мақолалар ёзиб, газеталарда маърифий-оммабоп чиқишлар уюштириб турганлар. Телевидение иш бошлаши билан халққа илк бор матн уқиб танилган диктор Иқбол Олимжонова ва Юнона Сто-



ляровалар эди. Халқ уларни ҳар гал ҳаяжон билан қарши олар, чунки телевидение курсатувларини одамлар интиқлик билан, бир мўъжиза каби кутар эдилар. Телевидение дастгоҳларининг бошқарув пультини эса биринчи булиб Армуғон ота Мухамедов бошқарганлар. Келинг, шу уринда бу табаррук отахоннинг хотираларидан бир шингил тинглайлик:

«— Уша йилларда мен Хоразм вилоят театрида ишлар эдим. Янги очилаётган станция Тошкентда — биз яшайдиган маҳалла урнига тушган экан. Мен узим шу кучаларда катта бўлганман. Болалигим шу ерда утган. Ишдан таътилга чиқиб Тошкентга келсам, телестудия қурилиши бошланиб кетибди! Юқори маҳкамаларга суҳбатга чақириб, яқин орада Тошкентда телестудия иш бошлашни айтиб, мени унда ишлашга таклиф этишди. Аввалига ҳайрон бўлдим, қурқдим ҳам. Нега десангиз, телевидение ҳақида ҳали мутлақо тасаввурга ҳам эга эмасдим.

...Шундай қилиб орзиқиб кутилган 1956 йилнинг 5

Телеолам

ноябрь куни келди. Мен биринчи марта, ҳаяжон билан телевидение пультини бошқариб, халқимизга телевизион курсатувларни эфир орқали узата бошладим. Бу менинг учун энг катта бахтли, унутилмас кун эди! Қизиғи шундаки, дикторлар бошқа хонада утириб матн уқирдилар, биз эса улар утирган хонага бориб хабар олиб келардик,

ёққа юргизар эдилар. Кейинчалик эса секин-аста эски техникалар урнини янги, замонавий ихчам аппаратуралар эгаллай бошлади...».

Телемарказда ишлаш учун эса янги-янги мутахассислар керак эди. Шунинг учун халқимизнинг истеъдодли фарзандлари танлаб олиниб, йирик шаҳарларга уқишга юбориларди. Шундай ёшлар ичида телемарказнинг биринчи техник-муҳандиси Абдужа-



МЎЪЖИЗАЛИ ҚУТИ

2-мақола



лил ота Тулаганов ҳам бор эдилар. Абдужалил ота телемарказ дастгоҳларининг яхши ишлаши, уларни замонавий техникалар билан алмаштириш ишларига ҳам катта ҳисса қўшиб, купгина ихтировий таклифлари билан ҳам эътибор қозонганлар. Отанинг жуда куплаб бундай ихтиро ва таклифлари амалга жорий қилинган. Шундай тиришқоқлиги, изланувчанлиги туфайли у киши оддий техникликдан телемарказнинг бош муҳандиси лавозимига кутарилганлар.

1964 — 1992 йиллар давомида телемарказ учун янги бинолар қурилиб, телекурсатувлар узатишга қодир бўлган дастгоҳлар билан алмаштирилган, рангли курсатувлар узатишга қодир бўлган

дастгоҳлар билан алмаштирилди. Шубҳасиз, уларни муваффақият билан узлаштириш учун шахримизнинг энг истеъдодли, билимдон ёшлари ишга таклиф қилинган. Бундай муҳандис-техник ходимлар ичида Лола Мухамедова, Абдужалил Тулаганов каби ходимлар бор.

Энди Абдужалил аканинг уша давр хотираларини тинглайлик:

«— Директоримиз Марзия опа жуда жонқуяр раҳбар эдилар. Агар қор ёғудек бўлса, ҳаммамизни телемарказ ҳовлисига — телеминора тагига олиб чиқиб қор қуратар эдилар. Уларнинг тушунчаларича, қор эриб кетса, телеминора таянчлари чўкиб, силжиб, телеминора қийшайиб кетар эмиш! Айниқса, кечалари ёмғир ёки қор ёғса, биз смена бошлиқларига қўнғироқ қилиб, телеминорадан тез-тез хабар олиб туринлар, деб тайинлар эдилар...».

Буям телевидение соҳасига бўлган эътибор ва масъулиятнинг бир қуриниши эди, албатта. Чунки, юқорида эслганимиз каби, телевидение курсатувларини халқимиз ҳар куни ниҳоятда орзиқиб кутар эди... Ўзбек телевидениеси илк бор иш бошлаган пайтлар шундай утарди...

Шоира НИЗОМОВА,
Ўзбекистон
телевидениеси
катта муҳбири



ИЗ

Тун... Олам гафлат уйқусида маст. Табиат кундузи ҳовуридан тушиб, сокинликка ташна. Қиш кунлари бўлгани учун аёз ҳукмронлик қилапти. Одамларнинг гам-ташвишлари, даъвою надоматларига тулиб кетган дунени сохта бўлса ҳам Тангрим оппоқ қорлари ила поклаб турибди. Оқ либос кийган дарахларга қотиб қолибман. Шунда ана шу сокинликни бузиб, кимнингдир қадам товуши, совуқ шарпаси эшитилди. Ким булиши мумкин? Оркамга қарашга қўрқаман, чунки қоронғулик ичра ёлғиз узим паршонман. Ниҳоят ич-ичимдан кимдир қара-қара деди, вужудимга буйсунмайгина секин қарадим... Кузларимга ишонмасдим... Бу булиши мумкин эмас... Маъмур... У кузларини катта-катта очиб менга қараб турарди. Қотиб қолдим. Совуқдан ачишаётган кузларим киприк қоқишга ҳам ярамайди.
— Нима қилисан бу ерда?
— Сенинг олдинга келдим.
— Нимага?
— Суҳбатлашим келди.
— Сен улгансан-ку? Тириклар орасида сенга нима бор?
Томоғимга нимадир тиқилиб қолди... Қани энди чиқиб кетса.
— Шу кунларда мени куп эслаясан. Рухим ҳам нотинч. Узимни у ёққа, бу ёққа ураман, қани

энди қоронғуликдан чиқиб кетолсам...

— Маъмур, мен сени ҳаммадан ҳам яхши биламан. Сен хурлардан хурсан, поксан... Дунёга келиб нима курдинг. Онанг қилган хатога сен мурғак қалб қурбон бўлдинг. Сени улар манқурт тимсолида тарбиялашди. Оиланг — куча, тарбиячинг — бозор бўлди. Сенга теккан уқ эса — ҚАРҒИШ...

Азон товуши эшитилди. У секин қўз унгимдан йўқолди. Баланимни секин чимчилаб курдим, сезаяпман, ерга қарадим. Излар... У босиб кетган излар, қадам излари ой нурида ялтирайди... Демак, у келган?..

Гўзал ОТАЖОНОВА

ҚИЗ ИЛОН

Бу воқеани бобомдан эшитгандим. Айтишларига қараганда, бобомдан олдин ҳам куп кишилар бунақа ҳодисотларга гувоҳ бўлишган экан. Бизнинг Чорзана қишлоғимиздан кейин қадимий чуллар бошланиб кетади. Раҳматли Меҳмон бобом урушдан олдинги, подшо замонларида савдогар оталарига, яъни Кутли бобомга қўшилиб карвон билан узоқ-узоқ шаҳарларга борар эканлар. Кунлардан бир куни нима булибди-ю, Меҳмон бобом карвондан адашиб чулда қолиб кетибдилар. «Э, таваккал» деб бир

узлари уйланиб бир томонни мулжал қилиб йўлга тушибдилар. Бир вақт чулнинг қоқ уртасига келганда қулларидоғи утириб келаётган тасбеҳлари ерга тушиб кетибди. Шундай эгилиб тасбеҳларини олиб ердан бошларини кутарсалар, қаршиларидоғи бир қиз у кишига қараб, жилмайиб турганмиш. Шундай қиз эмишки, сочлари азбаройи узунлигидан ерга тегиб, илондай судралиб турганмиш, қоплари, кузлари, киприкларининг қоралиги баҳмални эслатади, узи эса сутга чайилгандай оппоқмиш. Бобомга қараб тинимсиз қулармиш. Шунда бобом раҳматли ҳайрон қолибдилар. Ахир бу бепоён чул бўлса, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуйса, ҳалигина ердаям, қукдаям ҳеч ким йўқ эдику. Е Парвардигор, бу не каромат, астоғфуруллоҳ-ю-азийм, бу сирдан узинг оғоҳ қил, эй яратган эгам, деб тинимсиз калима қайтара бошлабдилар. Шунда ҳалиги парилардай гўзал қиз бобомга шу қадам даргазаблик билан тикилибдики, нигоҳларининг қаҳрига чиқолмай бобом бечора титраб кетибдилар, барибир калима қайтараверибдилар. Бирдан ҳалиги қиз қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ном-нишонсиз гойиб булибди. Фақатгина бобомнинг эъти-

КУНЛАРДАН БИР КУНИ

бор қилиб кузатганлари: қумда судралгансимон излар қолибди холос. Бобом эсон-омон уйга етиб келиб, бу воқеани оталарига айтган эканлар. Катта бобом раҳматли: «Ҳалиям ҳудога деганинг бор экан уғлим, у сен курганинг — қиз илон булади, кимсасиз саҳроларда илонлар 40 йил яшаса, аждарҳога айланади, еки ана шунақа илон пари, яъни илон қизга айланади. Улар одамзодни кузи билан имлаб улдиради. Сени асраб қолган нарса эса бутун иймонинг, тақводорлигинг ва қайтарган калималарингдир, болам. Шунинг учун ҳеч қачон калимасиз юрмагин, дуосиз қолмагин. Жамийки балолардан бошинг омон чиқадилар, — деб тайинлабдилар. Шушу бобом бизга ҳам тинимсиз дуо ва калималарни ургатардилар ва дуосиз, калимасиз ҳеч ёққа чиқманглар, деб қаттиқ тайинлардилар. Ана шунақа, азиз тенгдошлар. Сизлар ҳам албатта калима қайтариб юринглар, турли хил бало-қазолардан омонда буласизлар.

Зайнабхон МЕҲМОНОВА,
Бухоро вилояти
Жондор туманидаги
20-ўрта мактаб ўқувчиси

Бонг урамиз!
ОБУНА КИМГА КЕРАК?

Бу жайдари саволга обуна энг аввало уша нашрда ишлайдиганлар учун керак, — деб истеҳзо қиладиган ақлли билангонлар адашадилар. Болалар газетаси обунаси энг аввало маънавият учун қайгураётган зиелларга керак! Аммо... кеча олган маълумотимизга кура, жон бошига зиелиси энг куп бўлган пойтахти азимда газетага атиги икки ўқувчи обуна булибди. Навоий вилояти буйича обуна умуман йўқ. Қорақалпоғистон Республикасида 23, Хоразмда 15, Қашқадарёда 51, Сурхондарёда 80, Тошкент вилоятида 28, Сирдарёда 63... Тугри, Наманган, Фарғона, Андижонда ишга сал киришилган. Аммо вақт кетмоқда. Мавсум утмоқда. Қолаверса, газета — давлатники. Уни аввало бино қиладиган ҳам, қулайдиган ҳам давлат экан, давлатташқилоғларида болалар — келажакимиз деб фаолият курсатаётганлар шонилинг! Келажак билимдон авлод булиши учун уз нашри, алифбо газетаси — «Тонг юлдузи»ни уқини керак. Бунга имконият яратиш — СИЗЛАРДАН!

Мактуоблар КУТИСИ

АЛМИСОҚДАН ҚОЛГАН МАКТАБ

Деновга йулингиз тушиб қолгудек булса, 11-мактабга ҳам кириб утинг-а, ниманинг шарт кетиб, ниманинг парти қолганига узингиз гувоҳ буласиз.

Бир қарашда хужалик омборларини эслатувчи бинодан сиз каби уквчилар сумка орқалаб чиқиб келишадиганини куриб, е тавба, улар шу ерда уқинишадими? деб еқа ушлагингиз турган гап. Мактаб кучаси қирғоқларга бошини уриб оқадиган сойга олиб борувчи йулни эслатади.

Мазкур бинодаги 17 та синф хонасидан бор-йуғи 6 тасига пол қоқилган холос. Бу ердаги уквчилар тор хоналарда сабоқ олишмоқда десам, ажабланишга шошилманг, чунки мутлоқ ойналарни йуқ синф хоналари ҳам бор. Ҳа-да, хозирги техника асрида бу тенгдошларингиз компьютерни тушларида куришини гапириб берсам-чи, йиғлаб юборай дейсиз. Зеро, сиз мендан эшитиб булса-да, уша мактабда уқитган тенгдошларингизга раҳмингиз келишига ишонаман, аммо мутасадди раҳбарларнинг бунчалар эътиборсизлигини уйласам, бечора бу урғоқларингизга чиндан ҳам ачиниш лозимлигини ҳис қиламан. Лекин бир тилагим бор: Илоҳим 11-мактабдан ҳам тез орада етук бир раҳбар етишиб чиқсину, узи уқиган мактабнинг ачинарли ҳолига барҳам берсин.

**Сардор
АБДУРАҲМОНОВ**



БОЛАЛАР ҚАЧОНДАН ГАЗЕТА ЎҚИМАЙ ҚҮЙИШДИ?

Ушбу сарлавҳа билан «Тонг юлдузи»да чоп этилган танқидий мақолада бугун бошли Қорақалпоғистон Республикасига газетанинг атиги турт нуҳаси бориши, ешларнинг кундалик матбуотга эътибори сустиги танқид қилинган эди. Куп утмай, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан қуйидагича расмий жавоб олинди:

«Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Тонг юлдузи» танқидини туғри деб ҳисоблайди. Нақд пул булмай қолганлиги сабабли йил бошида кам обуна булинган эди. 1997 йилнинг иккинчи ярим йиллигида бу камчилик тузатилди. 1998 йилда «Тонг юлдузи»га ҳар бир синф биттадан обуна булиши режалаштирилди.

А.ЕРИМБЕТОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари


ОҚЧОВАНИНГ ТОШМИРЗА АКАСИ

Оқчованинг маъносини билмайман. Катта қишлоқ эканлиги рост. Унинг бағрида Довташ, Галабек, Хонтепа, Мангит, Қургонтепа, Катта қишлоқ, Новқишлоқ, Чампил каби қишлоқчалар бор. Уларнинг ҳар бирида 300 дан ор-

са, укв йили бошида 1-8-синф уквчиларига дафтар келтириб берди. Пулини олмади, ҳаммаси уз ҳисобидан. Қанийди энди уз ҳисобидан водопровод ва газ қувурларини келтириб берса! Ҳақиқатан ҳам оқчоваликлар оқсаб

овоза булганига ҳам беш йилдан ошди. Жамоа хужалиги раиси Соат ака Худойбердиев куп пилла топшириб тиклаймиз, деб назаримизда пилла планларини ҳам удалади-лар шекилли.

Қани энди ишчи кучи етар-



тиқ хужалик яшайди. Қаршида яшаб, муҳандисларга сабоқ берадиган Йулдошев Тошмирза акани ҳамма бирдек яхши куради. Чунки у киши узининг ҳамқишлоқлари учун қайғурувчан инсон-да. Бир вақтлар Москвада уқиб олим булган пайтларида куни-қушнлар у билан қанчалик фахрланиб юришган булса, Тошмирза аканинг узи энди азиз гушасини қандай обод қилсам экан, деб уйлагани-уйлаган. Яқинда масжиддаги отахонларга калиш совға қилиб кетган бул-

ли бизнинг қишлоқ тарафларда ҳам бирорта корхона очилса! — аёллар ҳам ишлайман деб турибди. Корхона, бирор ишхона булмагач, томорқа иши тугагач... шаҳарга иш излаб кетишадиган! Тошмирза акаларимиз купайса, турмуш шароитимиз билан шуғулланадиган раҳбарлар бизнинг қишлоққа келса-ю, охири оқибатда биз ҳам меҳнатимиз енгиллашиб яшасак.

ли бизнинг қишлоқ тарафларда ҳам бирорта корхона очилса! — аёллар ҳам ишлайман деб турибди. Корхона, бирор ишхона булмагач, томорқа иши тугагач... шаҳарга иш излаб кетишадиган! Тошмирза акаларимиз купайса, турмуш шароитимиз билан шуғулланадиган раҳбарлар бизнинг қишлоққа келса-ю, охири оқибатда биз ҳам меҳнатимиз енгиллашиб яшасак.

**Абдували ПИРИМОВ,
Чирокчидаги Абдурахмон
Нурматов номли мактаб
ўқувчиси**

ШАКАРЛИ ГАП

Уқитувчи шакар сузи билан гап тузинглар, деди уквчиларга. Шунда Нодир ҳозир-жавоблик қилиб: «Мен эрта-лаб бир пиёла чой ичдим», деб гап тузди.

«Қани бу ерда шакар сузи» — деди уқитувчи таажжубланиб. Нодир эса пинагини бузмай: «Чойнинг ичиди-да», — деб жавоб берди.

УЛАР ҚАНДАЙ АТАЛАДИ?

География муаллими дарсга кулоқ солмай утирган Толибжондан суради: — Ҳам қуруқликда, ҳам сувда яшайдиган жониворлар нима деб ата-

ТҶҒРИ ЁЗИШ ИМЛОСИ



лади? Толибжон уйламай — нетмай жавоб берди: «Албатта, матрослар-да».

ДИКТАНТ УЧУН КИТОБ

Утқир уйга келиб: — Биз

кеча диктант ёзган эдик, бунинг учун бугун менга китоб беришди, — деди ота-онасига.

— Ростданми? Қанақа китоб экан? — деб қизиқишиб суради-лар.

— Тўғри ёзиш имлоси, — жавоб берди Утқир.

УҚИШ УСЛУБИ

— Сен уй вазибаларингни қай услубда бажарасан? — суради Нозим дусту Жаҳонгирдан.

— Олдинига осонларини, кейин қийинларини бажараман, — деди Жаҳонгир.

— Ҳаммаси қийин булса-чи?

— деди Нозим бироз тушунмай.

— Унда футбол уйнаш учун кучага чиқиб кетаман.

**Сардор РҶЗИЕВ,
Шахрихон туманидаги
17-мактаб ўқувчиси**



МУАЛЛАҚ ҚОЛАЪМТАН РЕЖАЛАР

Болалар!

Едингизда булса, газетамизнинг шу йил 17 сентябрь сонидидаги «Зирапча» саҳифасида «Уқвчилар қиш ташвишида» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган булиб, унда Фаргона вилояти Бешариқ тумани Чорбоғтуронги қишлоғидаги 6-урта мактабда уқиш ҳар йили қиш мавсуми болалар учун оғир кечини ва бошқа бир қатор муаммолар тилга олинган эди.

Туман халқ таълими булими мудирининг курилиш ишлари буйича ўринбосари Баҳромжон Маҳмудовнинг таъкидлашича, маблағ топиш осонлик билан кечмаяпти эмиш.

Иситиш тармоғи кумир билан иситишга мулжаллангани учун ҳам ҳар йили кумир

гамлаб қуйилади. Қиш мавсумида 90 тонна кумир истеъмол қилиниши зарур булгани ҳолда 9 октябргача 30 тонна кумир гамланибди холос. Трасса тулик янгиланиши учун 382 метр труба зарур буларкан. Туман халқ таълими булими утган 1996 йили шу мақсадда 297 минг сумлик лойиҳа-смета хужжатлари тайёрлаган булса-да, маблағ булмаганлиги туфайли бу иш бажарилмабди.

Хуллас, унгланиш булмас экан, бу йилги қиш мавсуми ҳам чорбоғтуронгилик мактаб уквчиларига анча-мунча ташвиш келтириши тайин. Болалар учун қиш-қировли кунларда йул азоби бир булса, синф хоналарининг дурустроқ иситилмаслиги ҳам иккинчи муаммо булиб қолаверадиганга ухшайди.

**Ўз мухбиримиз,
Фаргона вилояти**

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҶМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙҶЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҶИЗБОВЕВ, Дадаҳон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0668. 10960 нусхала босилди. Қогоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М.Муродова.

• Руйхатдан утин тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсатқиси: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25